

**2024 йил учун Статистика дастурининг  
январь–декабрь ойларида бажарилиши тўғрисида  
МАЪЛУМОТ**

**I. Статистика дастури ижроси, статистика услубияти  
ва амалиётини такомиллаштириб бориш тадбирлари**

*Статистика дастури Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024-йил 15-январдаги “2024-йил учун Статистика дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 30-сон қарори билан тасдиқланган.*

Дастурга мувофиқ 2024-йилнинг январь-декабрь ойларида жами **3180 та** статистика ишлари белгиланган муддатларда ва тўлиқ ҳажмда бажарилди, шундан **1715 таси** Статистика агентлиги ва унинг органлари томонидан **910 таси** расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари томонидан ва **555 таси** бошқа вазирлик, идора ва ташкилотлар томонидан бажарилди.

Статистика агентлиги томонидан, иқтисодиёт соҳалари ҳамда тармоқлари ривожланиши мақсадли комплекс дастурлари мониторинги учун доимий равишда миқдорий кўрсаткичлар шакллантириб борилди, ҳудудлар ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ривожланиши ҳолатини комплекс тавсифловчи таҳлилий-статистика маълумотлари ҳар ойда Ҳукуматга тақдим этиб борилди.

Шунингдек, 2023 йилнинг январь-декабрь, 2024 йилнинг январь-март, январь-июнь, январь-сентябрь даври учун Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг дастлабки яқунлари бўйича статистика маълумотлари тайёрланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Марказий банк ҳамда бошқа вазирлик ва идораларга тақдим этилди.

2023 йилнинг январь-декабрь, 2024 йилнинг январь-март, январь-июнь, январь-сентябрь ойлари яқунлари бўйича “Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати” ахборотномаси (доклад) ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идораларга юборилди.

Шу билан бирга, 2024 йил январь, январь-февраль, январь-апрель, январь-май, январь-июль, январь-август, январь-октябрь, январь-ноябрь даврлари учун “Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати” статистик рисоласи 2 тилда (ўзбек, рус) чоп этилиб, белгиланган рўйхат асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идораларга тақдим этилди.

Статистика дастурига мувофиқ бажарилган ишлар натижаларига кўра шакллантирилган очиқ статистика маълумотлари, ахборотномалар, тўпламлар, пресс-релизлар кўринишида ҳамда оммавий ахборот воситалари, расмий веб-сайтлар ва ижтимоий тармоқлар орқали мунтазам равишда миллий ва хорижий фойдаланувчилар эътиборига етказиб берилди.

Хусусан, агентликнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий Telegram каналида **3996 та**, Facebook саҳифасида **3996 та** ва Инстаграм саҳифасида

**513 та** янгиликлар эълон қилинди, Instagram роликлари агентликнинг Youtube каналидаги расмий саҳифасида жойлаштириб борилди.

Шунингдек, **10 та** инфографика роликлари ҳамда статистика фаолиятига оид **94 та** лавҳалар “Ўзбекистон 24”, “Ўзбекистон”, “Ўзрепорт” телеканалларида доимий тарзда эфирга узатилиб келинмоқда.

Статистика агентлиги расмий веб-сайтининг “Расмий статистика” бўлимида макроиктисодий кўрсаткичлар, миллий ҳисоблар, нарх ва индекслар, саноат, қишлоқ хўжалиги, аҳоли турмуш даражаси ва бошқа қатор статистика йўналишлари бўйича **750 та** статистика маълумотлари тўпламлари эълон қилинди.

“Халқ сўзи”, “Народное слово”, “Янги Ўзбекистон”, “Правда Востока”, “Иқтисодий газета”, “Биржа”, “Ишонч”, “Самаркандский Вестник”, “Жиззах ҳақиқати” ва бошқа нашрларда статистика кўрсаткичлари акс этган **41 та** материаллар чоп этилди.

Халқаро статистика амалиёти тавсияларини инобатга олган ҳолда, статистика соҳасининг турли йўналишлари бўйича 2024 йил январь-декабрь ойларида **32 та** янги услубий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва амалдаги **6 та** услубий ҳужжатлар такомиллаштирилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-114-сон қарорига мувофиқ, амалдаги **68 та** услубий ҳужжатлар хатловдан ўтказилди ва ушбу қарорга мослаштириш мақсадида янги таҳрирда қабул қилинди.

Статистика маълумотлари сифатини ошириш борасида ҳисобот топширувчи субъектлар ўртасида профилактика тадбирлари амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2024 йил январь-декабрь ойларида республиканинг барча ҳудудларида **105,0 мингта** респондентларга тушунтиришлар, **78,9 мингта** янги ташкил этилган респондентлар профлактика тадбирлари давомида қамраб олинди, **149,4 мингдан** ортиқ буклетлар тарқатилди ва **2823 марта** оммавий ахборот воситаларида чиқишлар ташкил этилди.

Очиқ маълумотлар портали фаолиятини такомиллаштириш, маълумотлар сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш борасида амалга оширилган ишлар натижасида, порталда эълон қилинаётган маълумотлар тўпламлари сони **5 мингдан** ошди.

Жумладан, Статистика агентлиги томонидан порталда эълон қилинаётган статистика маълумотлари тўпламлари сони **2198 тани** ташкил қилди (4-илова).

Статистика агентлиги ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтида тизим ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш дастурига асосан 2024 йил январь-декабрь ойларида **27 та** ўқув курсларида **928 нафар** ходимларнинг малакасини оширилди (5-илова).

Институт томонидан 2024 йилда амалга ошириладиган статистик тадқиқотлар дастурига мувофиқ, январь-декабрь ҳолатига **6 та** тадқиқот иши ишлаб чиқилди.

Жумладан:

- Қурилиш ишлари нархлари индексини ҳисоблаш амалиётини халқаро услубиятлар асосида такомиллаштириш;

- Асосий озиқ-овқат ресурсларининг йиллик балансини тузиш амалиётини халқаро услубиятлар асосида такомиллаштириш;

- Асосий капитал истеъмолини ҳисоблаш;

- Якка тартибда ишга туширилган уй-жойлар статистикасини такомиллаштириш;

- Гендер статистикаси кўрсаткичлари, уни шакллантириш манбаалари ва услубияти;

- Алкире-Фостер услубиётидан фойдаланган ҳолда “Кўп ўлчовли камбағаллик индекси”ни аниқлаш бўйича тадқиқот ишлари бўйича тармоқ бошқармалардан хулосалар олиниб амалиётга тадбиқ этилди.

Шу билан бирга, халқаро стандартлаштириш ташкилотининг ИСО-3534-1 стандартини ўзбек тилига таржима қилиш (Умумий статистика атамалари ва эҳтимоллар назариясида қўлланиладиган атамалар) бўйича ишлар амалга оширилди.

“БМТ Статистика комиссиясининг йиллик сессияларига таклифлар тайёрлаш” бўйича таклифлар ишлаб чиқилиб, Статистика ишларини ташкил этиш ва методология бошқармаси ҳамда Халқаро ҳамкорлик ва ахборот алмашув бошқармасига топширилди.

Юқоридагилар билан бир қаторда, мазкур қарор доирасида “Маъмурий маълумотларни етказиб берувчиларнинг маълумотлар базаларини Статистика агентлигининг ахборот тизимига интеграция қилиш ва маълумотларни тақдим этиш режа-жадвали”да белгиланган ишларни бажарилиши юзасидан январь-декабрь ойларида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

1. Нархлар статистикаси кўрсаткичларини шакллантириш бўйича 2024 – йил июнь ойида “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” ДМ, “Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси” АЖ билан биргаликда биржа савдоларига қўйиладиган товарлар нархлари тўғрисидаги маълумотларни интеграция қилиш орқали электрон шаклда идоралараро маълумотлар алмашиш технологик йўриқнома асосида йўлга қўйилди.

2. Ташқи иқтисодий фаолият статистикаси кўрсаткичларини шакллантириш бўйича 2024 – йил июнь ойида Адлия вазирлиги ҳузуридаги Персоналлаштириш агентлиги, “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” ДМ билан биргаликда Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сони, жинси, ёш таркиби, сафар мақсади, чиқиб кетиш транспорт тури ва чегара йўналиши тўғрисидаги статистика маълумотларини интеграция қилиш орқали электрон шаклда идоралараро маълумотлар алмашиш технологик йўриқнома асосида йўлга қўйилди.

3. Қурилиш соҳа статистикаси кўрсаткичларини шакллантириш бўйича 2024-йил сентябрь ойида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги, “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” ДМ билан биргаликда жисмоний шахслар томонидан якка тартибда қурилган турар жойларни ва нотурар биноларни фойдаланишга топшириш тўғрисида

маълумотларни интеграция қилиш орқали электрон шаклда идоралараро маълумотлар алмашиш технологик йўриқнома асосида йўлга қўйилди.

4. Ижтимоий соҳа статистикаси кўрсаткичларини шакллантириш бўйича 2024-йил август ойида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” ДМ билан биргаликда Соғлиқни сақлаш соҳасига тегишли бўлган қуйидаги маълумотларини интеграция орқали тақдим этишни йўлга қўйиш (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туманлар (шаҳарлар) кесимида) аҳолига тиббий ёрдам кўрсатувчи муассасалар фаолияти тўғрисидаги, ҳомиладор, туғадиган ва туққанларга тиббий ёрдам кўрсатиш, ҳомиладорликни тўхтатиш ва контрацепсия тўғрисида, болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш тўғрисида ҳамда аҳолига тиббий хизмат кўрсатувчи микрофирма ва кичик корхона фаолияти тўғрисида статистика маълумотларини интеграция қилиш орқали электрон шаклда идоралараро маълумотлар алмашиш технологик йўриқнома асосида йўлга қўйилди.

5. Ижтимоий соҳа статистикаси кўрсаткичларини шакллантириш бўйича 2024-йил сентябрь ойида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ОИТСга қарши кураш маркази, “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” ДМ билан биргаликда одам иммун танқислиги вирусини билан касалланган беморлар ва қонни ОИВга текшириш натижалари тўғрисида статистика маълумотларини (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туманлар (шаҳарлар) кесимида) интеграция қилиш орқали электрон шаклда идоралараро маълумотлар алмашиш технологик йўриқнома асосида йўлга қўйилди.

6. Ижтимоий соҳа статистикаси кўрсаткичларини шакллантириш бўйича 2024-йил октябрь ойида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси, “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” ДМ билан биргаликда эпидемиологик ҳолат тўғрисидаги қуйидаги маълумотларини интеграция орқали тақдим этишни йўлга қўйиш (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туманлар (шаҳарлар) кесимида) профилактик эмлашлар тўғрисида статистика маълумотларини, юқумли ва паразитар касалликлар тўғрисида статистика маълумотларини интеграция қилиш орқали электрон шаклда идоралараро маълумотлар алмашиш технологик йўриқнома асосида йўлга қўйилди.

7. Ижтимоий соҳа статистикаси кўрсаткичларини шакллантириш бўйича 2024-йил август ойида Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” ДМ билан биргаликда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидаги умумий ўрта таълим муассасалари, бошқа идораларнинг умумтаълим муассасалари, мулкчилик ва ташкилий-ҳуқуқий шаклларида қатъи назар, лицензия асосида нодавлат таълим хизматларини кўрсатувчи юридик шахсларнинг мактаб таълими фаолияти тўғрисидаги статистика маълумотларини интеграция қилиш орқали электрон шаклда идоралараро маълумотлар алмашиш технологик йўриқнома асосида йўлга қўйилди.

8. Ижтимоий соҳа статистикаси кўрсаткичларини шакллантириш бўйича 2024-йил август ойида Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” ДМ билан биргаликда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидаги мактабдан ташқари таълим ташкилотлари, бошқа вазирлик ва идораларнинг мактабдан ташқари таълим муассасалари, аҳолига қўшимча таълим соҳасида хизмат кўрсатувчи нодавлат ташкилотларнинг мактабдан ташқари таълим фаолияти тўғрисидаги статистика маълумотларини (хар бир субъект кесимида) интеграция қилиш орқали электрон шаклда идоралараро маълумотлар алмашиш технологик йўриқнома асосида йўлга қўйилди.

9. Ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистика кўрсаткичлари бўйича 2024-йил март ойида Рақамли технологиялар вазирлиги, Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки (IT-Парк) дирекцияси билан биргаликда Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки резиденти бўлган ташкилотлар фаолияти тўғрисидаги статистика маълумотларини (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туманлар (шаҳарлар) кесимида) интеграция қилиш орқали электрон шаклда идоралараро маълумотлар алмашиш технологик йўриқнома асосида йўлга қўйилди.

10. Ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистика кўрсаткичлари бўйича 2024-йил август ойида Адлия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда респондентлар рўйхатини шакллантиришда лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланиш мақсадида, “Лицензия” ахборот тизимида интеграция қилиш орқали электрон шаклда идоралараро маълумотлар алмашиш келишув билдиришнома асосида йўлга қўйилди.

11. Демография ва меҳнат статистикаси кўрсаткичларини шакллантириш бўйича 2024-йил май ойида Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” ДМ билан биргаликда корхона ва ташкилотларнинг меҳнат кўрсаткичлари тўғрисидаги статистика маълумотларини интеграция қилиш орқали электрон шаклда идоралараро маълумотлар алмашиш технологик йўриқнома асосида йўлга қўйилди.

12. Саноат статистикаси кўрсаткичларини шакллантириш бўйича 2024-йил май ойида “Ўзбекнефтегаз” АЖ, “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” ДМ билан биргаликда энергетика тармоғининг қуйидаги нефт маҳсулотларини ишлаб чиқариш тўғрисидаги статистика маълумотлари ҳамда нефт ва газ конденсатининг манбалари ва тақсимооти тўғрисидаги статистика маълумотларини интеграция қилиш орқали электрон шаклда идоралараро маълумотлар алмашиш технологик йўриқнома асосида йўлга қўйилди.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш ҳамда 2023-2027 йилларда аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш дастурларини тасдиқлаш чора-

тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-299-сон қарорига асосан 2024 йил январь ойида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш Республика маркази ахборот тизими ва Статистика агентлигининг “Статистика” интеграллашган ахборот тизими ўртасида доимий аҳоли сони бўйича маълумотларни ўзаро алмашинуви тўғрисида технологик йўриқнома тасдиқланиб интеграция йўлга қўйилди.

**II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024- йил 4- мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Статистика агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-114-сон қарори ижроси доирасида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Статистика агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-114-сон қарори тасдиқланганлиги муносабати билан унинг ижросини сифатли ҳамда самарали ташкил этиш бўйича Статистика агентлиги ва барча қуйи тизим ташкилотларида белгиланган фаолиятнинг устувор йўналишлари амалга оширилиши ҳамда мақсадли кўрсаткичлар (индикаторлар)га эришилишини таъминлаш мақсадида 2024 йил 5 мартда 23-буйруқ қабул қилинган ва назорат режа тасдиқланган.

Назорат режага мувофиқ қуйидаги ишлар амалга оширилди:

“Расмий статистикани тайёрловчилар томонидан статистика кузатувларини аутсорсинг асосида ташкил этиш амалиётини жорий этиш тўғрисида” Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси ишлаб чиқилган ва қарор лойиҳаси расмий статистикани тайёрловчилар билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими [project.gov.uz](http://project.gov.uz) (ID-95750) орқали келишилган ҳамда Вазирлар Маҳкамасига 2024 йил 30 апрелдаги 01/1-04-10-98-сонли кузатув хати орқали юборилган (*Вазирлар Маҳкамасининг таклифлари асосида қайта ишланган лойиҳа 2024 й. 08 июль. 01/1-04-09-126-сонли хат билан юборилган. Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси эътирозлари асосида қайта ишланиб, 2024 йил 28 сентябрь куни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими [loyiha.adliya.uz](http://loyiha.adliya.uz) (ID-2369) орқали вазирлик ва идоралар билан келишилган ва 2024 йил 14 ноябрда Вазирлар Маҳкамасига юборилган.*);

“Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Статистика агентлигининг Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси ишлаб чиқилган. Қарор лойиҳаси мафаатдор вазирлик ҳамда идоралар билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими [project.gov.uz](http://project.gov.uz) (ID-95847) орқали келишилган ва 2024 йил 14 майда 01/1-04-10-107-сонли кузатув хати орқали Вазирлар Маҳкамасига юборилган (*лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси эътирозлари асосида қайта ишланиб, 2024 йил 30 сентябрь куни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона*

электрон тизими *loyiha.adliya.uz* (ID-2392) орқали идоравий келишиши учун тегишли вазирлик ва идораларга киритилган. 2024 йил 16 октябрда 01/1-04-09-233-сонли кузатув хати билан Вазирлар Маҳкамасига киритилган.);

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилган. Лойиҳа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими *project.gov.uz* (ID-96879) орқали келишилди. Қонун лойиҳаси 2024 йил 6 майда 01/1-23-04-41-сонли кузатув хати орқали Вазирлар Маҳкамасига юборилган (лойиҳа *Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси эътирозлари асосида қайта ишланиб, 2024 йил 27 сентябрь куни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими loyiha.adliya.uz* (ID-2361) орқали идоравий келишиши учун тегишли вазирлик ва идораларга киритилган.

2024- yil 18- noyabr 01/1-23-04-87-son xat bilan *O‘zbekiston Respublikasining “Rasmiy statistika sohasida davlat boshqaruvi tizimi takomillashtirilganligi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi qonuni loyihasi* (ID-2361) *Vazirlar Mahkamasiga qaytadan kiritildi.*);

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги фаолиятини ташкил этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳаси ишлаб чиқилган. Лойиҳа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими *project.gov.uz* (ID-97082) орқали келишилган ва 2024 йил 17 майда 01/1-23-04-46-сонли кузатув хати орқали Вазирлар Маҳкамасига юборилган (лойиҳа *Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси эътирозлари асосида қайта ишланиб, 2024 йил 27 сентябрь куни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими loyiha.adliya.uz* (ID-2352) орқали идоравий келишиши учун тегишли вазирлик ва идораларга киритилган.

2024- yil 15- oktabrda 01/1-23-04-77-son xat bilan Вазирлар Маҳкамасига қайта киритилган.);

“Бир йиллик статистика дастурини ҳисоблаш методикаси” лойиҳаси ишлаб чиқилди ва ягона электрон тизими *project.gov.uz* (ID-96041) орқали Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилди.

Статистика агентлигининг 2024- йил 5- декабрдаги 13- мб-сон буйруғи билан “Бир йиллик статистика дастурини ҳисоблаш методикаси” тасдиқланди ва 2024- йил 10- декабрда Адлия вазирлигидан давлат рўйхатидан ўтказилди (рўйхат рақами: 3582).

Шу билан бирга, мазкур қарор доирасида:

Статистик маълумотларни ишлаб чиқиш жараёнларини намунавий модели (GSBPM – The generic Statistical Business Process Model) асосида ишлаб

чиқилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг Статистика маълумотларини ишлаб чиқишнинг миллий моделининг **I. Статистика маълумотларига бўлган эҳтиёжларни ўрганиш босқичи** ва унинг **жараёнларини** миллий статистика тизимига жорий қилиш мақсадида “Фойдаланувчиларнинг статистика маълумотларига бўлган эҳтиёжларини ўрганиш бўйича Намунавий тартиб” ишлаб чиқилди (2024 йил 22 майдаги 109-сон буйруқ);

статистика маълумотларини тарқатиш ва тақдим этиш ишларини янада такомиллаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг Расмий статистикани тарқатиш идоравий сиёсати ишлаб чиқилди (2024 йил 28 июндаги 149-буйруқ);

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Расмий статистикада сифатни таъминлашнинг миллий таянч принциплари бўйича қўлланма”си (NQAF) талаблари асосида расмий статистика соҳасида сифатни бошқариш ишларини тизимли ташкил этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг сифат соҳасидаги сиёсати ишлаб чиқилди (2024 йил 28 июндаги 150-буйруқ);

Мазкур қарорда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, жорий йилнинг август ойида Статистика агентлиги марказий аппаратида “Central Asia Certification” сертификатлаш ташкилотининг халқаро аудиторлари томонидан Агентлик фаолиятининг халқаро стандартларга мувофиқлиги юзасидан халқаро сертификатлаш аудити ўтказилди.

Аудит яқунлари бўйича сентябрь ойида халқаро сертификатни тақдим этилиши тўғрисида қарор қабул қилинди.

Бунинг натижасида, Статистика агентлигининг статистика фаолияти, шу жумладан, расмий статистикани тайёрлаш ва тарқатиш фаолияти “ISO 9001:2015 сифат менежменти тизими” халқаро сертификация жараёнидан муваффақиятли ўтди.

Шу муносабат билан, 2024 йилнинг 4 октябрь санасида МДХнинг II Халқаро Статистика форумининг якунида Статистика агентлигида сифат менежменти тизимини жорий қилганлиги бўйича ISO 9001 халқаро сертификати топширилди.

Ушбу сертификатни қўлга киритиш учун Статистика агентлиги томонидан қўйидаги ишлар амалга оширилди:

биринчидан, хусусий консальтинг компания ёллаган ҳолда Статистика агентлиги бошқарув тизимининг аудити ва таҳлили амалга оширилди;

иккинчидан, Статистика агентлиги тизимида 20 нафар мутахассис ходимларининг ISO 9001:2015 стандарти бўйича малакалари оширилди ва натижаси бўйича сертификатлар билан таъминланди;

учинчидан, консальтинг компания кўмагида Статистика агентлигининг “Миллий сифатни бошқариш қўлланмаси” ишлаб чиқилди ва тизимга жорий этилди;

тўртинчидан, амалга ошириладиган чора-тадбирлар натижасида статистика органлари ва унинг қўйи тизим ташкилотлари фаолиятида статистика маълумотларини тайёрлаш (йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш) ва тарқатиш жараёнларида сифатни таъминлашга эришилмоқда.

### **III. Халқаро ҳамкорлик ва ахборот алмашинуви**

Халқаро ташкилотлар билан соҳани ривожлантириш, илғор тажрибалар ва замонавий услубий тавсияларни амалиётга жорий этиш юзасидан яқиндан ҳамкорлик ҳамда мамлакат кўрсаткичларини халқаро ахборот базаларида акс эттириш юзасидан ахборот алмашинуви алоқалари йўлга қўйилди.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида **17 та** халқаро ташкилотларнинг **51 та** саволномалари, жумладан, БМТ Статистика бўлимининг **10 та**, БМТ Европа иқтисодий комиссиясининг **5 та**, ЮНЕСКО статистика институтининг **9 та**, БМТ Савдо ва ривожланиш конференциясининг **1 та**, БМТнинг табиий офатлар хавфини камайтириш бўйича минтақавий офисининг **1 та**, БМТ Озик овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг **7 та**, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг **2 та**, Халқаро Электроалоқа Иттифоқининг **2 та** ва бошқа халқаро ташкилотларнинг **14 та** саволномалари тўлдирилди ва тақдим этилди.

Бундан ташқари, **4 та** халқаро маълумотлар базаларидаги, хусусан ХВЖнинг кенгайтирилган Маълумотларни тарқатишнинг умумий тизими доирасида, МДХ ва “СОМТРАДЕ” маълумотлар базаларида Ўзбекистоннинг статистика кўрсаткичлари ўз вақтида янгиланди.

Жумладан, товарлар савдоси бўйича БМТнинг “СОМТРАДЕ” ахборот базасида **3 мингдан ортиқ** товар турлари бўйича Ўзбекистон Республикаси маълумотларини ҳар ойда янгилаб борилиши таъминланди.

ХВЖнинг кенгайтирилган Маълумотларни тарқатишнинг умумий тизими (e-GDDS) доирасида доирасида **275 та** индикатор бўйича маълумотлар тўпламлари ҳар ойда мунтазам янгилаб борилмоқда.

Бундан ташқари, ХВЖнинг кенгайтирилган Маълумотларни тарқатишнинг умумий тизимидан (e-GDDS) Маълумотларни тарқатишнинг махсус стандартига (SDDS) ўтиш юзасидан зарур тадбирлар амалга оширилмоқда.

### **IV. Мамлакат миқёсида амалга ошириладиган йирик тадбирлар** **Аҳолини рўйхатга олиш тадбирларига тайёргарлик кўриш масалаларида**

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-114-сон қарорига мувофиқ республикада аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ишлари давом этмоқда.

Мазкур қарор билан тасдиқланган “Расмий статистика соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш ва тизим фаолиятини трансформация қилиш бўйича “Йўл харитаси”нинг 6-бандига мовофик республикамизда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш 2025-2026 йилларда амалга оширилиши белгиланди.

Мамлакатимизда 2025-2026 йилларда ўтказиладиган аҳолини рўйхатга олиш жараёнларини **Интернет** тармоғи орқали ва **планшет** қурилмаларидан кенг фойдаланган ҳолда ўтказиш режалаштирилмоқда.

2024 йил давомида аҳолини рўйхатга олишга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида қуйидаги ишлар бажарилди:

Аҳолини рўйхатга олишнинг аҳамияти ва мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг оммасига тушунтириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларида фойдаланиш учун **видеоролик, баннер, флаер** ва **буклетлар** намуналари тайёрланиб, аҳолининг кенг оммасига тушунтириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Жумладан, марказий ва маҳаллий телеканалларда **113** та кўрсатувлар ва радиоканалларда **252** та эшиттиришлар ташкил қилинди. Газета ва журналларда **487** та мақолалар чоп этилди. Шунингдек, маҳаллаларда, умумтаълим мактабларида ва олий таълим ташкилотларида мунтазам равишда давра суҳбатлари ва семинарлар ташкил этиб келинмоқда.

Синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш натижалари ва халқаро экспертларнинг тавсияларидан келиб чиқиб, аҳолига янада қулай бўлишини таъминлаш мақсадида қуйидаги **4** хил шаклдаги рўйхатга олиш саволномалари такомиллаштирилди:

**1-шакл** “Турар жойнинг хусусиятлари ва унда яшовчилар рўйхати”;

**2-шакл** “Шахсга оид саволнома”;

**3-шакл** “Ўзбекистон Республика-сига вақтинча келган чет эл фуқаролари учун саволнома”;

**4-шакл** “Аҳолининг айрим тоифаларига нисбатан шахсга доир маълумотларни йиғиш бўйича саволнома”.

2021 йил синов жараёнларида Интернет тармоғи орқали ва планшет қурилмалари ёрдамида рўйхатга олишда юзага келган муаммоларни бартараф этиш мақсадида “Аҳолини рўйхатга олиш” **ахборот тизими** қуйидагиларни инобатга олган ҳолда такомиллаштирилди:

- ахборот тизимидаги маълумотларни ҳимоялаш мақсадида демилитар сервер (оралиқ сервер) яратилди, сервер қурилмалари конфигурацияси ва архитектураси қайта кўриб чиқилиб, оптимизация ишлари бажарилди;

- демилитар сервер (оралиқ сервер)даги маълумотлар асосий сервер томонидан фақат бир томонлама сўров орқали кўчириб ўтказиш амалга оширилди;

- сўровномаларни AES протоколидан фойдаланилган ҳолда шифрлаш амалга оширилди;

- планшет қурилмаларида барча “Тасдиқланган” ҳолатидаги сўровномаларни бирданига белгилаш ва уларни “Агентлик серверига жўнатиш” тугмаси босилганда серверга жўнатиш амалга оширилди;

- планшет қурилмаларида ҳар бир интервьюер фойдаланувчилари учун тегишли бўлган ҳудуд бўйича “Манзиллар рўйхати” шакллантириш ишлари амалга оширилди;

- планшет қурилмаларида Интервьюер фойдаланувчилари билан боғлиқ участка рақамлари автоматик тарзда киритилиши таъминланди.

- сўровномаларда ахборот тизими серверларида бирламчи ҳолатида (шифрланган) ҳолда сақлаш ва уларни дешифрлаш имконияти яратилди.

Статистика агентлигининг 2024 йил 26 январдаги 9-сон буйруғи мувофиқ, “STATA” амалий дастурий пакети лицензияси харид қилиниб, аҳолини рўйхатга олиш натижаларини акс эттирувчи **300** тага яқин чиқувчи жадвал намуналари шакллантирилди.

**2024 йил 15 июль** куни ҳудудий статистика бошқармалари ходимлари учун аҳолини рўйхатга олишнинг ташкилий режасини тузиш бўйича **вебинар** ташкил этилди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича 1 тадан туман танлаб олинди.

**2024 йил август** ойида Қорақалпоғистон Республикасининг Тахиатош, Андижон вилоятининг Улуғнор, Бухоро вилоятининг Бухоро, Жиззах вилоятининг Дўстлик, Қашқадарё вилоятининг Нишон, Навоий вилоятининг Конимех, Наманган вилоятининг Мингбулоқ, Самарқанд вилоятининг Оқдарё, Сурхондарё вилоятининг Термиз, Сирдарё вилоятининг Гулистон, Тошкент вилоятининг Зангиота, Фарғона вилоятининг Ёзёвон, Хоразм вилоятининг Хива ва Тошкент шаҳрининг Миробод туманлари бўйича тажриба тариқасида аҳолини рўйхатга олишнинг **ташкилий режаси** тузиб чиқилди.

Тузиб чиқилган ташкилий режа маълумотларига асосан **41** та рўйхатга олиш участкалари, **295** та инструкторлик участкалари ва **2039** та ҳисоб участкаларини ташкил этиш зарурлиги маълум бўлди. Мазкур участкаларга ишга жалб этилиши лозим бўлган шахслар сони жами **2795** нафарни ташкил этди.

Мазкур тажриба тариқасида тузиб чиқилган ташкилий режалар 2026 йилда бутун республикамиз бўйича амалга оширилиши режалаштирилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирини сифатли ташкил этиш учун муҳим тадбир бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, рақамланмаган уй ва хонадонлар ҳамда номи ўзгарган кўчаларга янги ном белгиларини ўрнатиш бўйича амалга оширилаётган ишлар маҳалла раислари ва фаоллари билан жойига чиққан ҳолда ўрганилиб, кунлик назорат қилиб борилмоқда. Ҳафта якунида маълумотлар умумлаштирилиб, Агентликнинг аппарат йиғилишларида муҳокама қилиб борилмоқда.

2024 йил январь-декабрь ойларида ҳудудий статистика органлари томонидан **51,3** мингта кўчалар ва **507,2** мингта хонадонлар жойига чиқиб ўрганилди. Ўрганиш натижасида **1,6** мингта (**3,2** фоизи) кўчаларга ном белгилари ўрнатилмаганлиги ва **83,5** мингта (**16,5** фоиз) хонадонларга рақам белгилари илинмаганлиги аниқланди.

Аниқланган ҳолатлар бўйича таҳлилий маълумотлар ҳар ойда икки мартаба **ҳокимлик соати** йиғилиши кун тартибига киритилиб, натижаси бўйича ҳафталик маълумотлар йиғилмоқда.

Маҳаллий ҳокимликларнинг маълумотларига кўра 2025 йил 1 январь ҳолатига **1,2** млн.га яқин уй ва хонадонларга рақамлар илинган (декабрь ойи давомида **9,4** мингга яқин).

Шунингдек, йиғилган маълумотларга кўра 2024 йил январь-декабрь ойларида **32,8** мингга яқин уй ва хонадонлар янги қурилган бўлса, **1037** та эски уйлар бузилганлиги маълум бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-114-сон қарори билан тасдиқланган “Йўл харитаси”нинг **6-бандига** асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2026 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш тўғрисида”ги **Фармони** ва Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида 2026 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш, натижаларини таҳлил қилиш ва эълон қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **қарори лойиҳалари** тайёрланди.

Фармон лойиҳаси билан аҳолини рўйхатга олишни ўтказишнинг **аниқ санаси** ва **муддати** белгиланади, Ўзбекистон Республикасида 2026 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга кўмаклашиш бўйича **республика комиссияси таркиби** тасдиқланади ҳамда республика бўйлаб маъмурий-ҳудудий бирликларнинг чегараларини ўзгартириш, топономик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш ишларини **вақтинча тўхтатиб туриш** белгиланади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасида қуйидагиларни тасдиқлаш назарда тутилмоқда:

- Ўзбекистон Республикасида 2026 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш, натижаларини таҳлил қилиш ва эълон қилиш тартиби тўғрисидаги **Низом**;

- Ўзбекистон Республикасида 2026 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш, натижаларини таҳлил қилиш ва эълон қилиш бўйича **чора-тадбирлар**;

- Ўзбекистон Республикасида 2026 йилда аҳолини рўйхатга олиш **дастури**;

- Ўзбекистон Республикасида 2026 йилда аҳолини рўйхатга олиш варағи **шакллари рўйхати**;

- Аҳолини рўйхатга олиш жараёнларига жисмоний шахсларни жалб этиш ва уларга ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида **Низом**;

- 2026 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга кўмаклашиш бўйича **худудий комиссияларнинг намунавий таркиби** ва уларнинг **асосий вазифалари**;

- 2026 йилда аҳолини рўйхатга олиш жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини самарали қўллаш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича **ишчи гуруҳи таркиби** ва унинг **асосий вазифалари**.

Мазкур хужжатлар лойиҳалари манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда жамоатчилик муҳокамаларидан ўтказилиб, Вазирлар Маҳкамасига киритилди.

**Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш йўналишида мониторингни йўлга қўйиш масалаларида**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 83-сон қарори қабул қилинган.*

Ушбу қарорнинг 1-илоvasи билан **2030-йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалари** сифатида Ўзбекистон учун долзарб ҳисобланган **16 та** миллий мақсад ва БРМнинг **126 та** миллий вазифалар рўйхати тасдиқланган.

*Маълумот учун: Глобал миқёсда **17 та** мақсад **169 та** вазифа ва **232 та** индикатор тасдиқланган.*

Шунингдек, мазкур қарорнинг 2-илова билан тасдиқланган, 2022–2026-йилларда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларга самарали эришиш бўйича чора-тадбирлар режаси ижросини таъминлаш мақсадида, Статистика агентлиги ҳамда Барқарор ривожланиш мақсадларининг миллий индикаторлари бўйича идоралараро ишчи гуруҳи томонидан қўйидаги ишлар амалга оширилди:

Манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Статистика Комиссияси томонидан тавсия этилган Барқарор ривожланиш мақсадлари глобал индикаторлар тизими асосида Миллий Барқарор ривожланиш мақсадлари индикаторларини такомиллаштириб бормоқда;

Ўзбекистон учун долзарб ҳисобланган **190 та** индикатор тасдиқланган, шундан, **152 таси** глобал индикаторлар билан тўлиқ мос келади, **28 таси** прокси индикатор ва **10 таси** миллий индикатор ҳисобланади;

Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича эришилган натижаларни кузатиб бориш ва ушбу соҳада мамлакатдаги мавжуд вазият тўғрисида долзарб маълумотларни фойдаланувчиларга тақдим этиш мақсадида, 2019 йилда Ўзбекистон Республикасида Миллий барқарор ривожланиш мақсадлари кўрсаткичлари бўйича веб-сайт ишлаб чиқилган;

Вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда **143 та** Миллий барқарор ривожланиш индикаторлари бўйича маълумотлар шакллантирилиб веб-сайтга жойлаштириб борилмоқда;

Агентлик томонидан “Ўзбекистон Республикасида Миллий барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича йиллик статистик тўплам” 2019 йилдан бошлаб ҳар йили ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр этилиб

вазирлик ва идоралар ҳамда Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган халқаро ташкилотларга тақдим этилмоқда, шунингдек, ушбу тўпламнинг электрон шакли (nsdg.stat.uz) веб сайтга жойлаштириб борилмоқда;

ЮНИСЕФ ташкилоти кўмагида 2021-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида оналар ва болалар турмуш тарзини ўрганиш бўйича Мультииндикатор кластер кузатуви (MICS) ўтказилди. Натижада **160 дан** зиёд муҳим социал кўрсаткичлари билан бир қаторда Барқарор ривожланиш мақсадларининг **29 та** индикатор кўрсаткичлари шакллантирилган;

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Осиё ва Тинч океани иқтисодий ва ижтимоий комиссияси(ESCAP)нинг SDG Tracker платформасида Ўзбекистон Республикаси саҳифаси очилиб, барқарор ривожланиш мақсадлари индикатор кўрсаткичлари билан тўлдириб борилмоқда;

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Статистика бўлимининг веб саҳифасида Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича илғор тажрибаларга эга **90 га** яқин давлатлар қаторида Ўзбекистон Республикаси ҳам қайд этилган.

Барқарор ривожланиш мақсадлари индикаторлари сифатини таъминлашда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг расмий статистика сифатини таъминлашнинг миллий асосий тамойилларига мувофиқ амалга ошириб, халқаро тавсиялар асосида такомиллаштириб борилмоқда.

### **Қишлоқ хўжалигида рўйхатдан ўтказиш тадбирларини ташкил этиш масалаларида**

Қишлоқ хўжалиги ва экология статистика бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги Статистика кенгашининг 2024 йил 22 мартда ўтказилган йиғилиши 1-сонли баёни ижросини таъминлаш мақсадида “Деҳқон ва томорқа хўжалиқларининг қишлоқ хўжалиги фаолиятини танланма кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича вақтинчалик Тартиб” ишлаб чиқилиб (*Агентликнинг 18.07.2024 йилдаги 156-сон буйруғи билан тасдиқланган*), Маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан статистика органларига тақдим этилаётган статистика ҳисоботларидаги деҳқон ва томорқа хўжалиқларида етиштирилаётган асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмлари тўғрисидаги маълумотларини тўлиқлиги ва сифатини ўрганиш мақсадида, ҳар бир туманда 2-3 та МФЙда танланма кузатувлар ташкил этилди.

Танлаб олинган маҳалла фуқаролар йиғинларида ўтказилган танланма кузатувларини ташкил этишда ҳудудий статистика органларига амалий кўмак бериш мақсадида Қишлоқ хўжалиги ва экология статистика бошқармасининг 5 нафар ходимлари хизмат сафарига юборилди.

Танланма кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида жами **174 та** туманлардаги **373 та** МФЙлар танлаб олинган бўлиб, улардаги деҳқон ва томорқа хўжалиқлари сони 200 мингдан ортиқни ташкил этди.

Бугунги кун ҳолатига кўра, деҳқон ва томорқа хўжалиқларининг қишлоқ хўжалиги фаолиятининг танланма кузатуви тўлиқ яқунланиб, кузатув натижалари бўйича маълумотларни таҳлил қилиш амалга оширилмоқда.

2024 йилнинг 24-26 сентябрь кунлари Қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ҳамда ушбу тадбирда бевосита иштирок этиш бўйича Малайзия давлатига хизмат сафари ташкил этилди.

Сафар давомида Малайзияда қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш жараёни ҳамда унга тайёргарлик кўриш бўйича амалга оширилган ишлар билан яқиндан танишилди.

Хусусан, Малайзия қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тарихи, мазкур йилда рўйхатга олиш тадбирига тайёргарлик жараёнлари, камраб олинган субъектлар, фойдаланилган GIS технологиялари, сўровномалар ҳамда улардаги кўрсаткичлар тизими, MyAgri Census ахборот тизими, фойдаланилган маъмурий маълумотлар, сифатни назорат қилиш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида Малайзия статистика идорасининг масъул ходимлари билан ўзаро тажриба ҳамда маълумотлар алмашинувлари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уни амалга оширишга доир услубий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш саволномалари шаклини такомиллаштириш вазифаси ижроси юзасидан Халқаро экспертнинг таклифлари ҳамда 2022 йилда ўтказилган синов натижалари асосида 1 О‘з QXR shakli “Қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш саволномаси” лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мазкур саволномада, қишлоқ хўжалиги объектларининг иқтисодий фаолият турлари, меҳнат ресурслари ва уларнинг демографик тавсифлари, ер ресурслари ва улардан фойдаланиш ҳолати, суғориш, қишлоқ хўжалиги экинлари майдони, кўп йиллик дарахтзорлар ва тоқзорлар майдони, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлар ва паррандаларни бош сони, мавжуд махсус омборхоналар ва сақлаш жойлари, мавжуд қайта ишлаш қувватлари, қишлоқ хўжалиги техникалари ва ускуналари ҳамда шу каби қишлоқ хўжалиги фаолиятига оид бошқа кўрсаткичлар киритилган.

Бу ўз навбатида, мазкур саволномани тўлдиришда рўйхатдан ўтказувчиларга ҳамда сўров ўтказиладиган респондентларга қулайлик яратиш ҳамда йиғиладиган маълумотларнинг ҳар томонлама тўғри ҳамда ҳаққонийлигини таъминлаш зарур ҳисобланади. Шу муносабат билан 1 О‘з QXR shakli “Қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш саволномаси”ни тўлдириш бўйича Тартиб лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уни амалга оширишга доир услубий ҳужжатларни ишлаб чиқиш вазифаси 2024-2025 йилларга белгиланганлигини инобатга олиб, бу борадаги ишлар келгуси йилда ҳам давом эттирилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб Палатаси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тегишли ахборот хатлари юборилди.